## РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

### ЯНГИЙЎЛ

# ЎЗ—ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

Конференция делегатлари фойеда ўзаро «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси ҳақидаги қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

— Ўн биринчи беш йилликда фан ва техниканинг энг муҳим проблемаларини ҳал этамиз, — дейди қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг директори, техника фанлари кандидати А. Хожиев.— Ўнинчи беш йилликда 38 та янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этдик. Улардан олинган самара 37 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса аввалги беш йилликдагига нисбатан 32 процент кўп демакдир. Биз бундан кейин ҳам қишлоқ хўжалигини аграр-саноат йўлига ўтказиш учун бутун билимимиз, ғайратимизни ишга соламиз.

Район коммунистлари ўз конференцияларига муносиб меҳнат зафарлари билан келдилар.

Саноатчилар август ойидаёқ ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга муваффақ бўлдилар. Ишлаб чиқариш ҳажми ана шу давр ичида 26 процентга ўсди. Пландан ташқари 15 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди.

Ўнинчи беш йилликда 55,5 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди, 49 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Ана шу давр ичида бройлер паррандачилик фабрикаси, зонал балиқ уруғчилиги хўжалиги, Ленин номли, «Ленинизм», «Партия XXI съезди», Калинин номли колхозларда чорвачилик комплекси бунёд этилди. Беш йилликнинг ўтган даври ичида пландан ташқари 14,5 минг тонна пахта, 9 минг тонна дон, 40 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва мева, 7 минг тонна сут, 4 миллион донадан кўпроқ тухум, 180 тонна пилла ва кўплаб бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Қишлоқ меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилида 36200 тонналик пахта хирмони уйдилар. Ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Ҳисобот даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпгина турлари бўйича суръатлар анча ўсди. 1975 йилга нисбатан ҳар бир сигирдан 300 килограммдан кўп сут соғиб олинди. Гўштга топширилаётган қорамолнинг тирик вазни 400 килограммга етмоқда.

Докладчи—Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари Л. Ш. Алиқулова ва доклад юзасидан музокарада чиққан делегатлар муваффақиятларни тилга олиш билан бирга камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда ички резервлардан етарлича фойдаланилмаяпти. Кўпгина саноат корхоналарида цехлар ва участкаларни реконструкция қилиш суст олиб борилаяпти. Қурилишда капитал маблағлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ресурслар кўп объектларга сочиб юборилмоқда. Бу йил 8 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмай қолди. Шу йилнинг 11 ойида бешта қурилиш ташкилоти пудрат планларини бажара олмади. «Ташоблсельстрой»нинг 5-кўчма механизациялашган колоннаси йиллик планни 50 процентга, 163-кўчма механизациялашган колонна 80 процентга бажарди, холос.

Пахтачиликда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилди. Мана икки йилдирки, «Ленинизм», Н. Ниёзов номли колхозларда пахта йиғим-терими мавсуми суст ўтказилаяпти. Бу хўжаликларнинг партия ташкилотлари камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Ер, сув, моддий-техника ресурсларидан етарли фойдаланилмаяпти. Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор берилмаяпти.

Район пахтакорлари 1980 йилда 1979 йилга нисбатан 500 тонна кам пахта топширдилар. Бу факт ҳам камчиликлар кўплигини яққол кўрсатиб турибди.

Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервларидан бири ҳосилдорликни оширишдир. Райондаги 137 та бригада ва звенонинг 83 тасида 35 центнердан кам, яъни район кўрсаткичидан паст ҳосил олинди. 14 бригада эса пахта сотиш халқ хўжалик планини бажармади.

Айрим хўжаликларда алмашлаб экишга етарли эътибор қилинмаяпти. Н. Ниёзов номли, «Ленинизм», «Интернационал» колхозларида алмашлаб экиш плани 60—75 процентда қолиб кетмоқда.

Бу йил район бўйича давлатга мева сотиш плани бажарилмай қолди. Хўш, бунга сабаб нима? У. Юсупов номли аграр-ишлаб чиқариш бирлашмасида суғориладиган ерлардан ёмон фойдаланилмоқда. Боғлар ва узумзорларда дарахтлар сийраклашиб қолган. Боғлар ва узумзорларни реконструкция қилишга, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга эътибор қилинмаяпти.

Бу йил каноп етиштириш плани бажарилди. Лекин беш йиллик топшириқ адо этилмади. Шу давр ичида «Ленинизм» колхози 5 минг тонна, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз 2,7 минг тонна, «Интернационал» колхози эса 3,7 минг тонна канопни кам берди.

Сут ва гўшт етиштириш суръатлари ҳам секинлик билан ўсмоқда. «Ленинизм» колхози, колхозлараро бўрдоқичилик базаси, бройлер паррандачилик фабрикаси гўшт етиштириш, Ленин номли, «Ленинизм», Ҳ. Турсунқулов номли колхозлар сут етиштириш, Ленин номли, Калинин номли колхозлар, бройлер паррандачилик фабрикаси коллективлари тухум етиштириш планларини бажармаётирлар.

Оммавий-сиёсий, ташкилий ишларда ҳам айрим нуқсонлар бор. Марксча-ленинча таълимни ташкил этишда ҳали ҳам формализм элементлари учраб туради. «Интернационал», «Ленинизм», Н. Ниёзов номли колхозлар, Новомихайловка луб, асфальт-бетон заводлари, «Ташоблсельстрой»га қарашли 2- ва 5-кўчма механизациялашган колонналар, хўжалик ҳисобидаги умумий овқатланиш корхонаси партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг ташкил этилиши билан талаб даражасида қизиқмайдилар. Пропагандистлар ва тингловчиларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилган

Доклад юзасидан музокарага чиққан «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Исматов хўжаликда эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирди.

— 1980 йилда 6 минг тонналик пахта хирмони кўтариб, социалистик мажбурият шараф билан адо этилди, — деди нотиқ. — 16 бригада ва звено 40—50 центнерга етказиб ҳосил олди. Дон, мева, узум, картошка, сабзавот сотиш ҳам бажарилди.

М. Исматов қурилиш ташкилотларига бир қатор эътирозлар билдирди. 74-кўчма механизациялашган колонна муддат ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳамон бўзоқхона қурилишини тугатмаяпти. Беш йилдан бери гараж қурилиши битмайди. Шартнома бўлишига қарамай, газлаштириш иши ҳам суст олиб борилмоқда.

— Ерга ер қўшиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг муҳим резервлари эканлигини яхши билган хўжалигимиз партия ташкилоти ва правлениеси бу борада қатор тадбирларни амалга ошираяпти, — деди Калинин номли колхознинг звено бошлиғи О. Урозалиев. — Лекин айрим район ташкилотларининг айби билан бу тадбирлар ўз вақтида бажарилмаяпти. Бундан беш йил олдин «Ташоблмелиоводстрой»га қарашли 2-механизациялашган колонна ер текислашни бошлаган эди. Ҳамон охирига етказилмади. 8, 9-бригада далаларида 18 гектар ер текисланиб, оборотга киритилди, лекин бу иш сифатсиз бажарилди.

Доклад юзасидан музокарага чиққан Ҳ. Турсунқулов номли колхоз партия ташкилотининг секретари Ж. Соибназаров, У. Юсупов номли аграр-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ж. Хоназаров, «Октябрь» экспериментал ремонт-техника заводининг директори О. Ғайбуллаев, 16-ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳ. Тўлаганова, район халқ контроли комитетининг раиси С. Ф. Емелин ва бошқа делегатлар илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳақида қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда Янгийўл район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Т. Г. Зинин нутқ сўзлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Л. Ш. Алиқулова** район партия комитетининг биринчи секретари, **П. В. Козирев** район партия комитетининг иккинчи секретари, **А. У. Латифов** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Б. ПЎЛАТОВ.**
**З. ҚУРТНЕЗИРОВ.**

### ТОШКЕНТ

# КАДРЛАРГА ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Республика пойтахти аҳолисини, мамлакатимиз саноат марказларини саховатли еримиз ноз-неъматлари билан таъминлашда Тошкент райони салмоқли ўринни эгаллайди.

Бу йил район қишлоқ меҳнаткашлари Ватанга 110 минг тонна сабзавот маҳсулотлари топширди. Бу 1975 йилдагига қараганда 26 минг тонна кўпдир. 6 минг тонна мева топширилиб, бу соҳадаги план 180 процент адо этилди. Район ўнинчи беш йилликда сабзавот тайёрлашни 17,3 минг тонна, мева тайёрлашни 500 тонна, узумни 2604 тонна оширди.

Айниқса, Навоий номли колхоз деҳқонлари социалистик мусобақада юксак натижаларга эришдилар. Биргина шу хўжаликнинг ўзи йиллик топшириққа нисбатан 3200 тонна кўп, жами 12200 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирди. Ўнинчи беш йиллик план эса ҳамма соҳа бўйича 3,5 йилда адо этилди.

Республика социалистик мусобақасида актив қатнашган район чорвадорлари якунловчи йилда чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини муддатдан илгари адо этдилар. Тошкентликлар бир неча марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар. Шунингдек район 1979—80 йил қишловини намунали ўтказганлиги учун Бутуниттифоқ Социалистик мусобақасида ғолиб деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Шу йилнинг 10 ойи ичида ташаббускор район меҳнаткашлари давлатга гўшт сотиш планини 133,1 процент, сут топшириш планини 121,5 процент қилиб бажардилар.

Бу рақамлар Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толиповнинг район партия конференциясида қилган ҳисобот докладида келтирилди. Айни пайтда, докладда ҳам, музокарада сўзга чиққан К. Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. Абдуллаев, «Ленин йўли» колхози теплица хўжалигининг бригадири Н. Мирзахўжаев, сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик илмий текшириш институти директори А. І Нуриддинов, «Тошкент» совхози сут соғувчиси М. Абдувалиева ва бошқа ўртоқларнинг сўзларида ҳам деҳқончилик ҳамда жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг резервлари ҳали кўп эканлиги, эришилган марралар чегара бўла олмаслиги таъкидланди. Коммунистлар ютуқларни кўпайтиришда ҳалақит бераётган айрим нуқсонлар, мавжуд имкониятларни ишга солиш йўллари ҳақида гапирдилар.

Районнинг барча хўжаликлари бир хил иқлим зонасига жойлашган бўлишига қарамай, асосий экин турларидан олинадиган ҳосилдорликда бир-биридан катта фарқ бор. Масалан, Навоий номли колхозда сабзавотнинг ҳар гектаридан ўртача 385 центнердан ҳосил олинган бўлса, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида эса бу рақам 241 центнерни, «Ленинград» ва Абдураҳмонов номли совхозларда эса 165, 188 центнерни ташкил этади. Теплица хўжалигида ҳар квадрат метр майдондан 18 килограмм ва ундан ошириб сабзавот олаётган хўжаликлар бўлишига қарамай район бўйича бу кўрсаткич 11 килограммдан ошмаётир.

Ёки чорвачиликни олайлик. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг таниқли сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова ҳар бош соғин сигирдан қарийб 5 минг килограммдан сут соғиб олди. Аммо, ҳамма жойда ҳам чорвачиликни ривожлантиришнинг прогрессив усуллари жорий этилаяпти, деб бўлмайди. 152 сут соғувчидан фақат 82 нафари ўз социалистик мажбуриятини бажарди, холос. К. Маркс номли колхозда ҳар бир сигирдан 4229 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, «Тошкент» совхозида бу кўрсаткич 3133 килограммга тўғри келди. Район бўйича топширилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 460 килограммга етган бир пайтда Абдураҳмонов номли совхоз ҳамда С. Раҳимов номли колхозда 410—420 килограмм атрофида бўлмоқда.

Партиямиз аграр сиёсатда кадрлар билан ишлаш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. Колхоз ва совхозлар замонавий қудратли техника билан таъминланган ҳозирги кунда ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш, ишнинг самарали ва сифатли бўлишига эришиш масалаларини малакали кадрлар ҳал қилади.

Ўрта бўғин кадрлари ҳисобланган бўлим бошқарувчилари, бригада бошлиқлари ва ферма мудирлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳозир районда ана шу вазифаларда фақат 52 қишлоқ хўжалик мутахассиси ишламоқдаки, бу нормал ҳол эмас. Бўлим, бригада ва ферма раҳбарлари вазифасида ишлаётганлар ҳаётдан орқада қолмасликлари, ҳамиша замон талаблари даражасида бўлишлари, фан ва илғор тажрибани мунтазам эгаллаб боришлари керак. Партия ташкилотлари бунга доим эътибор қилишлари зарур.

Қишлоқда механизатор кадрлар тайёрлаш ҳам шу куннинг асосий вазифаларидан биридир. Афсуски, ҳисобот даврида районда механизатор кадрлар тайёрлаш жуда суст ўсди. Ҳозир ҳар 100 тракторга 98 механизатор тўғри келади. Ваҳоланки, район партия комитети ўнинчи беш йиллик охиригача икки сменада ишлаш учун етадиган механизаторлар тайёрлашни мўлжаллаган эди.

Партия ва хўжалик ишига сиёсий етук, қишлоқ хўжалигининг тажрибали мутахассиси, кишилар билан ишлай олиш қобилиятига эга бўлганлар тавсия этилган жойда муваффақият таъминланмоқда. Кейинги йилларда раҳбарлик лавозимига тавсия этилган Э. Исабаев ва А. Сафаев ўртоқлар ўзлари фаолият кўрсатаётган корхоналарни қисқа вақт ичида илғорлар сафига олиб чиқдилар. Район партия ташкилоти кадрларни бўлар-бўлмасга алмаштириш практикасига қарши курашиб тўғри иш қилмоқда. Лекин топширилган иш учун жавобгарликни ҳис этмаётган ўртоқларга нисбатан талабчанликни ошириш керак.

Ҳисобот даврида район партия ташкилотлари экономикани ривожлантириш, маданий ҳаётни яхшилаш, омма ўртасида тарбиявий-сиёсий ишларни кучайтириш борасида партия раҳбарлиги такомиллашди. Шу билан бирга район партия ташкилотлари фаолиятидан четда қолаётган муҳим масалалар ҳам конференцияда ошкора танқид қилинди. «Ленинград» совхози ишчилар комитетининг раиси ўртоқ М. Авлешов аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжини қондиришга эътиборни кучайтириш лозимлигини айтди. Совхоз ишчилари ҳалигача водопровод суви билан таъминланмаган. Хўжалик территориясидаги 8 йиллик мактаб биноси талабга жавоб бермайди. Замонавий клуб, магазинлар очилиши керак. Паррандачилик фабрикаси биноси пойдевори қурилганига 2 йил бўлди, аммо қурувчилар бу объектни ҳам ташлаб кетдилар.

Келес жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикасининг ишчиси Е. Морозова корхонада ишлаб чиқаришни яхшилашга ҳалақит бераётган бир қатор муаммоларни кўрсатиб берди. Фабрикада иш жараёнлари тўла механизациялашмаган, турар-жойлар етишмаётганлиги туфайли кадрлар қўнимсиз бўлиб қолди, прогуллар кўп. Булар ҳаммаси ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсишига салбий таъсир қилмоқда. Фабрика биносини кенгайтириш ҳақидаги гап ҳамон амалга ошмай келмоқда.

Район меҳнаткашлари ўртасида юксак маданий турмуш учун кураш, янги-янги урф-одатларни кенг тарғиб қилиш лозим. Бу ҳақда халқ депутатлари Ҳасанбой қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Ш. Қозоқбоев, «Шодлик» универсал магазини сотувчиси М. Маҳкамова ва бошқа ўртоқлар гапирдилар. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам кўп ишларни амалга ошириш керак. Районда акушерлик пунктлари қурилиши суст бормоқда. Медицина муассасаларини телефонлаштириш ёмон аҳволда. Юнусобод қишлоқ участка шифохонасининг бош врачи О. Мирзаева ўз сўзида шулар ҳақида тўхталди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов сўзлади.

Конференция тегишли қарор қабул қилди, район партия комитети ҳамда район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составини, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайлади.

* * *

Ташкилий пленумда **Ю. Т. Толипов** Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари, **А. Т. Тўрахонов** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ҳ. Сайдалиева** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**С. ҒИЕСОВ.**

### ҒАЛАБА

# ҲАММА СОҲА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНСИН

Ҳисобот даврида бажарилган ишлар тематик фото кўргазмалар, диограмма ва панноларда ўз ифодасини топган. Делегатлар уларга боқиб, беихтиёр мамнун бўлмоқдалар.

Район саноатчилари беш йиллик топшириғини муддатидан анча олдин адо этиб қўйдилар. Планга қўшимча 16,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди. Серунум машина ва механизмлар монтаж қилинди.

Фото кўргазманинг бир қисми дала қаҳрамонлари ҳаётидан ҳикоя қилади. Уларнинг бирида донгдор механик ҳайдовчилар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Энвер Алиев билан Абдусаттор Сулаймонов ўзаро суҳбатлашиб турибдилар. Ҳисобот даври Абдусаттор ҳаётида ўчмас из қолдирди. У пахтачиликни юксалтиришдаги фидокорлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Бу унвонни ҳалол меҳнати билан оқлаяпти. Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида пахта ҳосилдорлигини 50 центнердан ошириб, элюрт ҳурматини қозонди.

Районда донгдор пахтакорлар, хўжаликлар оз эмас. Улар ҳиссаси билан ўнинчи беш йиллик давомида она-Ватанга қўшимча 38 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» армуғон этилди. Бу йил уюлган хирмон ҳам баракали бўлди. Далалардан 63 минг тонна қимматли хомашё йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 41 центнердан ошиб кетди.

— Етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишда машиналар деҳқонларга катта мадад бермоқда,— деди Ғалаба район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари А. Б. Саидхўжаев.— Бу йил барча ҳосилнинг 95 проценти «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш туфайли халқ хўжалик плани 14 иш кунида бажарилди. Октябрь ойида бутун йиғим-терим ишлари якунланди.

Кейинги йилларда ерларни икки ярусли қилиб ҳайдашга, сеялкалар билан ерга аниқ уруғ ташлашга, органик ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишга эътибор кучайди. Машиналарга ихтисослашган система асосида техника хизмати кўрсатиляпти. Бу тадбир техникадан фойдаланиш даражасини оширмоқда, деҳқончилик маданиятини ўстирмоқда.

Докладчи пахтачиликни янада юксалтиришга кўмаклашувчи бир қатор резервлар устида алоҳида тўхталди. Биринчи навбатда ҳосилдорликни ошириш билан ялпи хомашё миқдорини кўпайтириш мумкин. Ўтган йили 90 та, бу йил эса 70 та бригадада пахта ҳосилдорлиги район даражасидан паст бўлди. Шу жумладан, Димитров номли, «Москва», Киров номли колхозлар, «Коммунизм» совхози каби хўжаликларда ҳам ҳосилдорлик суст ўсмоқда. «Москва» колхози ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида беш йил давомида ҳосилдорлик ошиш ўрнига 3—4 центнерга камайиб кетди. Агарда шу бригада ва хўжаликларда ҳосилдорлик район даражасига етганида қўшимча 1736 тонна пахта олиш мумкин бўлар эди.

Конференцияда хўжаликларни комплекс ривожлантириш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Бир қатор хўжаликларда пахтачилик, лубкорлик, ғаллачилик равнақ топаяпти-ю, аммо чорвачилик норентабел соҳага айланиб қолаяпти. Тўғри, ҳисобот даврида районда гўшт етиштириш 1975 йилга нисбатан 60,8 процент, сут етиштириш 17,8 процент, тухум олиш 44,2 процент кўпайди. Энгельс номли колхоз сут-товар фермаси базасида бузоқ етиштириладиган хўжалик тузилди. Жойларда 4 та сутчилик комплекси ишга туширилди. Ҳозир Волков номли совхозда ҳам бузоқлар парверишланадиган комплекс қурилаяпти.

Лекин ҳамма жойда ҳам чорвачиликни ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилаяпти деб бўлмайди. Киров номли, Свердлов номли, Ҳамза номли, «Москва» колхозларида чорва маҳсулдорлиги пасайиб бормоқда. Подадаги сигирлар сони ўртача 33 процентни ташкил этаяпти. Ваҳоланки, улар кам деганда 40—45 процентга етиши лозим эди.

Сут етиштиришдаги кўрсаткичлар ҳам хўжаликларда бир-биридан тубдан фарқ қилади. Димитров номли колхозда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори салкам 4 минг килограммга етаяпти. Айни пайтда Калинин номли совхозда эса бу кўрсаткич 2885 килограммни ташкил қиляпти. Бу район даражасидан анча пастдир. Агарда ҳар бир хўжаликда сигирларнинг маҳсулдорлиги район даражасига етказилганда қўшимча 1200—1500 тонна сут соғиб олиш имкони яратилар эди.

Докладчи ҳам, музокарада қатнашган делегатлар ҳам асосий эътиборни йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга, ҳар бир соҳани кенг кўламда ривожлантириш зарурлигига қаратдилар. Бунинг учун энг аввало кадрлар масъулиятини ошириш, уларга нисбатан талабчан бўлиш керак. Районда ишбилармон кадрлар оз эмас. Улар раҳбарлик қилаётган хўжаликлар ҳар томонлама ривожланмоқда. Лекин баъзи бир раҳбар кадрлар ўзларига топширилган участкада ишни намунали ташкил этиш устида жон куйдириб ишламаяптилар. Шунинг учун ҳам хўжаликларнинг бир соҳаси ривожланса, иккинчиси оқсаб қолмоқда.

Ҳисобот даврида район партия комитети бундай беғам раҳбарларга нисбатан тегишли чораларни кўрди. 64-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи А. Юсупов, «Москва» колхози партия ташкилотининг секретари М. Раимжонов, Крупская матлубот жамияти раиси О. Мажидов ишда камчиликларга йўл қўйганликлари, ишончни оқлай олмаганликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Бу жазо бошқа раҳбарларга жиддий сабоқ бўлди.

Делегатлар район экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда маҳаллий Советлар ролини ошириш зарурлигини уқтирдилар. Районда битта посёлка ва 8 та қишлоқ Совети бор. Уларда 642 халқ вакили ишлаяпти. Лекин Коммунистик, Киров, Кетмонтепа қишлоқ Советлари хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда актив қатнашмаяптилар. Ижроия комитет йиғилишларида доимий комиссиялар ва депутатлар ҳисоботи эшитилмайди, наказларнинг бажарилиши текширилмайди.

Конференция қатнашчилари «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг донгдор механик ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиевнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Нотиқ совхоз меҳнаткашларининг ўнинчи беш йилликда эришган муваффақиятларидан гапирди.

— Беш йилликнинг якунловчи йилида коллективимиз уйган «оқ олтин» хирмони 16 минг тоннадан ошиб кетди,— деди у.— Бу ютуққа бизнинг Ульянов номли бўлим пахтакорлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ҳосилдорликни 44 центнерга етказиб, 3800 тонна пахта топширдилар. Шуниси қувончлики, энг арзон пахта бизнинг бўлимда етиштирилди. Ҳар центнер «оқ олтин»нинг таннархи 20,5 сўмга тўғри келди. Звеномизда эса ҳосилдорлик яна ҳам юқори бўлди. Гектар бошига 48 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдик.

Донгдор механизатор делегатлар эътиборини пахтачиликни янада юксалтиришга ёрдам берувчи резервларга қаратди.

«Победа» колхози партия ташкилотининг секретари Т. Холтурсунов йиғим-теримни тез ва соз ўтказишда мусобақанинг роли тўғрисида гапирди. Терим пайтида механизаторлар ўзаро мусобақалашиб ишладилар. Илғор механизаторлар мавсумда 300 тоннага етказиб, пахта тердилар. Илғор тажрибаларни оммалаштиришда сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотларидан самарали фойдаланилмоқда. Машғулотларда энг юқори кўрсаткичга эришаётган бригадалар тажрибаси кенг ўрганилаяпти. Нотиқ пропагандистлар маҳоратини ошириш, улар учун тез-тез семинарлар ва учрашувлар уюштириб туриш зарурлигини уқтирди.

«Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи йил сайин қувончли ютуқларини қўлга киритмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида улар эл дастурхонига 5 минг тонна балиқ етказиб бердилар. Сўзга чиққан бирлашма ишчиси С. Бузрукова КПСС XXVI съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида гапирди.

Волков номли совхоз сут соғувчиси Е. Ф. Беляева, Свердлов номли колхоз партия ташкилоти секретари А. Давришев ва бошқа ўртоқлар ҳам хўжалик ва сиёсий ишларни ташкил этишда тўпланган тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **А. Б. Саидхўжаев** Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари, **О. Қ. Турғунбоев** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Д. А. Зарединова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Х. ОЛЛОНАЗАРОВ.**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ

# ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАСИН

Район коммунистлари ўзларининг навбатдаги конференцияларига янги ютуқлар билан келдилар. Улар экономикани ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, турмуш маданиятини юксалтириш борасида анчагина ишлар қилдилар.

Ҳисобот даври ичида саноатни ривожлантиришга 70 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. 58 миллион сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди. Саноат маҳсулотлари реализацияси бўйича беш йиллик план шу йилнинг октябридаёқ бажарилди. Тўйтепа металл конструкциялар заводи, Бектемир асфальт-бетон ва норуда материаллар заводи, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси, тикув фабрикаси коммунистлари социалистик мусобақанинг ташаббускорлари сифатида ишлаб чиқаришда ибрат кўрсатдилар. Тикув фабрикасидан И. Ғойназарова, металл конструкциялари заводидан В. Ким, «Водремстроймаш» заводидан И. Олейникова каби коммунистлар бошлиқ бригадалар иш тажрибаси районда оммалаштириб борилди.

Коммунистлар айниқса ишлаб чиқариш коллективлари орасида тежамкорликни ошириш бўйича қувончли натижаларга эришдилар. Икки йил ичида 2420 тонна қора ва рангли металл, 3,6 минг тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 600 минг кубометр табиий газ, 800 минг киловатт соат электр энергияси тежалди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Э. Эгамбердиев район партия конференциясида қилган докладида ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар устида ҳам батафсил тўхталди. Районда қатор саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш планларини бажара олмадилар. Хусусан республика сув хўжалиги министрлигига қарашли темир-бетон буюмлари заводи, «Водиндустрия» қурилиш материаллари комбинати, «Узводприборавтоматика» корхоналари шулар жумласидандир. Қорасув пахта заводи, «Труд» фабрикасида эса хом ашё, электр энергияси беҳуда сарфланди.

Капитал қурилиш борасида жуда катта ишлар қилинганлиги конференцияда алоҳида таъкидланди. 236 та ишлаб чиқариш объекти, 121 минг квадрат метрдан зиёд турар-жой, 4534 ўқувчи ўринли 15 та мактаб, 1920 ўринли мактабгача муассасалар фойдаланишга топширилди. 485 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди. Жуда кўплаб майдонларда капитал планировка ўтказилди.

Лекин райондаги айрим қурилиш ташкилотлари беш йилликда ўз зиммаларидаги вазифаларни бажара олмай қолдилар. Айниқса, «Промжилводстрой» тресги ташкилотлари қониқарсиз ишламоқда. Трест партия ташкилоти кадрларни жой-жойига қўйиш, ишни тўғри уюштириш, кадрлар қўнимсизлигини бартараф этиш ишларига лоқайдлик билан қарамоқда. Қурилиш ташкилотларида кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғор усулларни жорий этишга ҳам бепарволик билан қаралмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи А. И. Филиппов, Тўйтепа металл конструкциялари заводининг кранчиси С. Исмоиловалар қурилиш сифатини яхшилаш, объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш юзасидан фойдали таклифларни айтдилар.

Улар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида баён этилган вазифаларни амалга ошириш учун имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлаш зарурлигини уқтирдилар.

Конференцияда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳам ҳар томонлама таҳлил қилинди. Беш йил мобайнида район пахтакорлари давлатга 241700 тонна пахта сотдилар. Бу мўлжалланганидан 20 минг тонна кўп демакдир. Шу йиллар ичида ҳосилдорлик 2,7 центнерга ортди ва гектар бошига 32,2 центнерни ташкил этди. Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди», Энгельс номли, Ким Пен Хва номли колхозларда гектаридан 33—39 центнердан ҳосил олинди. Бу йил район 49500 тонна «оқ олтин» топширди.

Район партия конференциясида сўзга чиққан «Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи Шарафат Худойбердиева пахтачиликдаги мавжуд резервлар тўғрисида гапирди. У ерга минерал ўғитлар билан биргаликда маҳаллий ўғитлар беришни кўпайтириш кераклигини таъкидлади. «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари Муқаддас Холиқованинг сўзи ҳам пахтачилик истиқболларига қаратилди.

Делегатлар Карл Маркс номли, ТИИИМСХ ўқув хўжалиги адресига танқидий мулоҳазалар билдирдилар. Бу хўжаликларнинг 14 бригадасида районнинг ўртача ҳосилдорлигидан ҳам паст кўрсаткичга эришилди. Деҳқончилик маданиятига етарли эътибор бермаслик, алмашлаб экишга, ўғитдан ўз вақтида фойдаланиш тартиб ва нормаларига риоя қилмаслик туфайли ана шундай ташвишли аҳвол вужудга келди.

Районда канопдан беш йиллик план бажарилмади. Уруғчиликни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга ошмай қолди. Маккажўхори дони бўйича кўзланган ҳосилдорликка ҳам эришилмади. Ҳисобот даври ичида район партия комитети идеологик-сиёсий ишларни юксак даражага кўтариш бўйича қатор ишларни амалга оширди. Бу ерда 18 минг киши сиёсий маорифнинг турли формаларига жалб этилган. 198 та бошланғич сиёсий ва марксизм-ленинизм асослари мактаблари, 31 назарий семинар, 134 та иқтисодий билимлар, 153 та комсомол сиёсий маорифи мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли орасида 484 пропагандист, 1700 нафар агитатор иш олиб бораётир.

Конференцияда сўзга чиққан Ленин номли колхоз раиси М. Каримов, 55-ўрта мактаб партия ташкилотининг секретари В. В. Герасимова, Ўзбекистон шоликорлик илмий тадқиқот институтининг директори Т. Ўрмонова, район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Ҳикматов ва бошқалар район партия комитетининг ҳисобот давридаги ишларини чуқур таҳлил қилдилар, фойдали таклифлар билан чиқдилар.

Конференцияда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги аҳвол ҳам жиддий таҳлил қилинди. Коммунистларнинг эътибори ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, ўн биринчи беш йиллик учун пухта замин яратишга қаратилди.

Конференцияда қабул қилинган қарорда район коммунистлари, барча меҳнаткашларининг вазифалари белгилаб берилди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда область партия комитетининг бюро аъзоси, область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов нутқ сўзлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида **М. Э. Эгамбердиев** Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари, **В. С. Куделя** район партия комитетининг иккинчи секретари, **Л. Н. Нуриллаев** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**С. ҲАСАНОВ.**

